

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши
№ 240 (3212).
8
декабрь
ЧОРШАНБА
1965 йил
Баҳоси 2 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1965 йил 6 декабрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг «СССРнинг 1966 йилги халқ хўжалик плани тўғрисида» ва СССР Молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1966 йилги бюджет тўғрисида» докладларини тинглади ва муҳокама қилди.

Музокарада Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. П. Ляшко, СССР темир йўллар ми-

нистри Б. П. Бешчев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, СССР Савдо министри А. И. Струев, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. Шибяев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Қўрсатилган масалалар муҳокамаси тамом бўлиши олдидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Пленум партия-давлат контроли органларини халқ контроли органларига айлантириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. КПСС

Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шу масала юзасидан ахборот берди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ўртоқ В. В. Шчербицкийни КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ И. В. Капитоновни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу билан ўз ишини таъминлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1965 йил 6 декабрда қабул қилган қарори

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1966 ЙИЛГИ ПЛАНИ ВА СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги плани ва СССР Давлат бюджет тўғрисидаги лойиҳалари асосан маъқуллансин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1965 йил 6 декабрда қабул қилган қарори
ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қайт қиладики, партия-давлат контроли органлари партия ва ҳукумат қарорларининг ижросини текширишда, социалистик эконоимикани юксалтириш учун, давлат иттизомининг мустаҳкамлаш ва контроль ишига коммунистлар ва партиячиларнинг кенг оммасини жалб этиш учун курашда анча ния қилдилар.

Текшириш ва контроль қилиш ишига меҳнаткашларни кенг жалб этиш ва контроль органларининг ишида уларнинг ролини ошириш мақсадида КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ҚАРОР ҚИЛАДИ: партия-давлат

контроли органлари халқ контроли органларига айлантирилсин, бу халқ контроли органлари халқ оммасини давлат ишларини бошқаришга тағин ҳам кенгроқ жалб этишда, совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар партия ва ҳукумат директиваларини қандай бажараётганликларини систематик суратда текшириш таъминлашда, давлат иттизомининг ва социалистик қонуналарини мустаҳкамлашда партия ва ҳукуматнинг таъсирчан воситаларидан бири бўлиши лозим.

Ушбу қарорга мувофиқ СССР Министрлар Совети халқ контроли органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ўртоқлар!
Контролининг мавжуд системасини янада такомиллаштириш масаласи юзасидан ўз нутқини назаримизни баён қилишга иккунот бергайсиз. Бу система хўжалик қурилишимиз билан жуда маҳкам ва бевосита боғланган.

Сизларга маълумки, бундан уч йил муқаддам партия-давлат контроли комитетини ва жойларда тегишли контроль органларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Партия-давлат контроли органларининг уч йиллик иш таъжрибаси уларнинг катта иш қилганликлари ва эконоимиканинг, давлат ва хўжалик тармоқларининг фаолиятини такомиллаштиришда, жамиятнинг ҳамма ишларини бошқаришга омман жалб этишда, коммунистлар ва партиячилар кенг оммасини контроль ишига жалб этишда партия ва ҳукуматга ердан берганликлари кўрсатади.

Марказий Комитет аъзолари партия-давлат контроли органларининг ишидан хабардорлар ва мен уларнинг фаолиятига доир конкрет мисолларни келтириб ўтмайман. Ўртоқлар, бу гаплар уларнинг ишида камчиликлар йўқ, деган маъно келиб чиқмайди, албатта.

Бизнинг совет контроль системаси — энг демократик, чинакам халқчил системидир. Бизнинг социалистик давлатимизда барча ҳукуклар, шу жумладан контроль қилиш ҳуқуқи ўз мамлакатининг бирдан-бир хўжайини бўлган халқ қўлидадир.

Меҳнаткашлар билан ҳавало, асосларнинг асоси бўлган аъвало ҳаётига, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасига, давлат аппарати фаолиятига нисбатан жорий қилинади. Бу социализм меҳнаткашларга берган энг буюк афзалликлардан биридир.

Совет давлати жамоат контролидан астойдил манфаатдордир. Ишларни контролда қатнашишга нечоғки кўп жалб этилса, бинобарин, меҳнаткашлар давлатни бошқаришга нечоғки кўп жалб этилса, бизнинг давлат системаси шу қадар яхши ишлайдиган бўлади.

Бизнинг контроль органларимиз партия раҳбарлигида ишлайдилар. Халда, маълум даражада тарбия мактаби ҳамдир. Улар мамлакатнинг хўжайини бўлиш тўғрисида, ҳар бир гражданинг бугун жамият иши учун юксак жавобгарлиқ тўғрисида амалда совет кишиларни оғитиш сингаридадилар.

Жамоат контролининг ролини кенгайтириш социалистик демократияни бугун чоралар билан ривожлантириш йўлида янги жид-

дий қадам бўлажagini эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети Президиумининг фикрича, мавжуд контроль системасини янада такомиллаштириш мақсадида мувофиқдан.

Бундан гап партия-давлат контроли системасини халқ контроли системасига айлантириш тўғрисида бораётган. Бу В. И. Лениннинг социалистик давлатда контроль системаси олдида бир мақсад турибди, бу «мақсад меҳнаткашлар оммасининг ҳаммасини, эркакларини ҳам, айниқса хотин-қизларини ҳам ишчи-деҳқон инспекциясида қатнаштириш» деган қўрсатмаларидан келиб чиқади.

Маълумки, КПСС программаси ҳам давлат контроли жойларда жамоат инспекциялари билан бирга қўлиб олиб бориладиган халқ контроли системасини вужудга келтиришни талаб қилади.

Шу муносабат билан контроль органларининг номи тўғрисидаги масала ҳам ўртага қўйлади. Хозирги вақтда контроль органларининг номи давлат контроли органлари деб аталади. Бу жуда ҳам аниқ ном эмас. Бу ном бизнинг мамлакатимизда контролнинг халқ контроли эканлиги фактини етарли даражада тўла акс эттирмайди. Шу сабабли ана шу органларни қайта қуриш ва уларни халқ контроли органлари деб аташ тўғрироқ бўлади.

Бу эса, амалда мамлакатимиздаги контроль органлари фаолиятининг моҳиятини акс эттирмайди. Айни вақтда бу сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлади, чунки бу нарсани контроль органларини халқ билан янада маҳкам яқинлаштиради.

Халқ контроли органлари партия ва ҳукумат раҳбарлигида ишлайдилар. Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари халқ контроли органларининг фаолияти билан доим шугулланишлари, уларнинг ташаббусини бугун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари, уларни умумий ишнинг учун курашда ўзларининг бевосита ёрдамчилари деб билишлари лозим.

Халқ контроли органларининг ҳукукларини ва бурчларини келганда, партия ва ҳукумат директиваларининг амалда бажарилишини систематик равишда текширишда, коммунистлик қурилишга раҳбарликни янада такомиллаштиришда, социалистик эконоимикани бугун чоралар билан юксалтириш учун курашда, давлат иттизоми ва социалистик қонунарга риоя қилишда партия ва давлатга ердан бериш уларнинг фаолиятида асосий нарса бўлиши лозим деган

фикр афтидан тўғри фикр бўлса керак. Халқ контроли органлари жамиятимиз ҳаётидаги бугун янгилик, илгаролик ва прогрессивлигини актив қўллаб-қувватлашлари, рағбатлантиришлари ва ривожлантиришлари, аниқланган камчиликларини бартараф қилишлари, ишминининг умумий аҳолини яқинлаш учун ҳаракат қилишлари, бюрократизм ва сансалоликка, кўзбўйамачилик ва ҳўжасизликка қарши мурокасиз кураш олиб боришлари лозим.

Ўртоқлар, ўз-ўзидан маълумки, мамлакатда контролнинг такомиллаштирилиши, халқ контроли органларининг тузилиши партия ва ҳукумат директиваларини бажариш устидан контроль қилиш учун жавобгарлигини бачча партия комитетлари ва партия ташкилотларининг зиммасидан сира ҳам соқит қилмайди! Шундай бир ҳолатини ҳам кўзда тутиш керакки, халқ

контроли органлари партия органларининг ишини контроль қилмайдилар. Партия органларининг иши партия устави асосида партия ички контроли системаси орқали контроль қилинади. Шу сабабли партия комиссиялари ҳам ўз ишларини қучатиришлари зарур. КПСС уставиға мувофиқ партия комиссиялари КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатларнинг партия иттизомига риоя қилишларини текшириб туришлари, партия программаси ва уставиин партия ва давлат иттизомининг бузилиши айбдор бўлган коммунистларнинг, шунингдек партия ахлоқини бузувчиларни жавобгарликка тортишлари зарур.

Юқорида баён қилинганларга биноан, КПСС Марказий Комитети Президиуми шу масала юзасидан қарор лойиҳасини КПСС Марказий Комитети Пленумининг мулоҳамасига тақдим этади.



Владимир Васильевич ШЧЕРБИЦКИЙ
КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат

1918 йилда ишчи оиласида туғилган, миллиати — украин. 1941 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли — Днепротровский химия-технология институтини тамомлаган.

1934 йилда район комсомол комитетининг инструктори бўлиб ишлаган. Институтини тамомлагандан кейин завод бош механигига ўринбосар бўлган. Улуу Ватан уруши даврида Совет Армиясида хизмат қилган. 1945 йилдан бошлаб Днепротровский инженер-техниклик академиясида ишлаган.

1948 йилдан бошлаб Днепротровский областда раҳбар партия ишларида ишлаб кетган. Дзержинский номи металлургия заводида КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси, Днепродзержинск шаҳар партия комитетининг секретари, Днепротровский область партия комитетининг секретари бўлган. 1957 йилдан Украина КП Марказий Комитетининг секретари, 1961 йилдан Украина ССР Министрлар Советининг раиси, 1963 йилдан Украина КП Днепротровский область комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган. 1965 йил октябр олдидан бери яна Украина ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишламоқда.

1961—1963 йилларда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат бўлган.

СССР Олий Советининг депутаты.

Совет Иттифоқининг ордени ва медаллари билан мунофотланган.



Иван Васильевич КАПИТОНОВ
КПСС Марказий Комитетининг секретари

1915 йилда деҳқон оиласида туғилган, миллиати — рус. 1939 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли — Москва коммунал-қурилиш инженерлари институтини тамомлаган.

1938 йилдан бошлаб қурилиш участкасининг старший инженери, бошлғин бўлиб ишлаган. 1943 йилдан бери партия ва совет ишида хизмат қилиб келади. Москва шаҳридаги Красная пресня районида район партия комитетининг бўлим mudiri, район партия комитетининг секретари, район совети ижроия комитетининг раиси, КПСС Москва шаҳар ва область комитетларининг секретари бўлиб ишлаган. 1959 йилдан бошлаб КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари бўлган. 1964 йилдан бери КПСС Марказий Комитети РСФСР Вноросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети РСФСР бўйича партия органлари бўлимининг mudiri, КПСС Марказий Комитети ташкилий — партияий ишлар бўлимининг mudiri бўлган.

СССР Олий Советининг депутаты.

Совет Иттифоқининг ордени ва медаллари билан мунофотланган.

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-8» СТАНЦИЯСИННИНГ ПАРВОЗИ ТУГАЛЛАНГАН ЛИГИ ТЎҒРИСИДА

«Луна-8» автоматик станцияси 1965 йил 7 декабрда Москва вақти билан совет 00 у 51 минут 30 секундада шимолий кеңлигининг 9 градус 8 минути ва узунлигининг минус 63 градус 18 минутдан иборат координатларга эга бўлган Ой сатҳи нуктасига етди.

Станция Ойга яқинлашган вақтда охишга қўнишни таъминловчи системаларининг ишлаши комплекс текшириб қўрилди. Бу текшириш қўнишдан ташқари, Ойга яқинлашишнинг бачча босқичларида станция системалари нормал ишлаганини кўрсатди.

«Луна-8» станциясининг парвози натижасида охишга қўнишни амалга ошириш соҳасида янги қадам қўйилди.

А. Н. Косигин
Д. Рестонни
қабул қилди

6 декабрда СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин «Нью-Йорк таймс» газетасининг Москва келган сиёсий ошборчиси Д. Рестонни унинг илтимосига кўра қабул қилди. Сўхбат вақтида А. Н. Косигин Д. Рестонни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Сўхбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг mudiri Л. М. Замятин ҳозир бўлди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Яков Сергеевич Шарабурко гражданд уруши йилларида Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатган ва мустаҳкамлаш учун курашда актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига 70 йил туғилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармониға биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мунофотланди.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ИШ ВА РЕЖАЛАРИ

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

Бутун мамлакатнинг эътибори яна қадимий Кремлга қаратилган. Кремль саройида ҳаётий муҳим масалалар ҳал этилмоқда. Етти йилликнинг тугалловчи шоили кунларда, КПСС XXIII съезди шарафига ўтказилаётган умум-халқ муносабаси кунларида СССР Олий Советининг депутатлари коммунизм сари олға томон ҳаракат йўлиларини белгилаш учун тўпланишди.

7 декабрь эрталаб соат 10 да олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси очилди. Катта Кремль саройида ва Кремль театрида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида мажлисларини ўтказилди. Депутатлардан М. А. Стельмах ва Я. В. Пейве раислик қилдилар. Кун тартибни тасдиқланди. Сессия уч масалани муҳокама қилди.

1. СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат плани тўғрисида.

2. СССРнинг 1966 йилги Давлат бюджет тўғрисида ва СССРнинг 1964 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Соат 11 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазауров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслон, Н. М. Шверник, А. Н. Шеленин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. П. Ефремов, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, Ю. В. Андронов, П. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, СССР ҳукуматининг аъзолари ложа-ларга чиққанлариде депутатлар ва меҳмонлар уларни самимий кутиб олдилар.

Сессияда дипломатия корпусининг аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўдилар.

Раислик қилувчи СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат М. А. Стельмах «СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги Давлат плани тўғрисида» доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаковга сўз берди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков докладидан кейин СССР молия министри депутат В. Ф. Гарбузовга сўз берилди. В. Ф. Гарбузов «СССРнинг 1966 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1964 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» доклад қилди.

В. Ф. Гарбузов докладидан кейин раислик қилувчи депутатлар гуруҳларидан СССР ташқи ишлар министри номинга олтинган савдоларини ўқиб берди.

Бу савдоларнинг бири Ўзлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси XX сессиясининг боришига ва Совет Иттифоқининг ядро қурилиш тарқатмаслик ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги тақлифларининг ана шу сессияда қараб чиқишлиғига таъаллуқлидир.

Депутатлар министрға мурожаат қилиб, бундай деб ёздилар, «Совет жамоатчилиғи Ўзлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси XX сессиясининг ишини, Совет Иттифоқининг ядро қурилиш тарқатмаслик ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги тақлифларининг бу сессияда қараб чиқишлигини эътибор билан қузатиб турибди. Кўп миллионли совет халқининг иродаси ва хоҳиши ана шу тақлифларда ифода этилган. Бизнинг сайловчиларимиз ҳозирги пайтда Бош Ассамблея сессиясида вужудга келган вазиятга, ана шу тақлифлар

нинг сессияда қандай муҳокама қилинаётганлиғига гўят қизиқиш билан қарамоқдалар.

Депутатларнинг бошча бир гуруҳи Германия Федератив Республикаси каттаери Л. Эрхарднинг ҳукумат номидан қилган баёнотида ва Германия Федератив Республикасининг реваншчили сийсатига Совет ҳукуматининг қандай баҳо бераётганлигини министрдан эшитиб билишни истади.

«Германия Федератив Республикасида, — деб ёзилади депутатлар, — кейинги вақтларда катарли милитаристик ва реваншчилик тенденциялари аниқ олаётганлиги кўриниб турибди. Жумладан, Герфий Германия янги ҳукуматининг программ баёноти бун исбот қилади. Бу баёнот бундсверига ядро қурили беришни, Европадаги мавжуд чегараларни бузишни, социалистик давлатларга ва бошқа кўп давлатларга қарши агрессия йўлини ўтказишни маъкур ҳукумат фаолиятининг лиқфат марказига қўлади».

Осиё ва Африка мамлакатларининг Жақонда ўтказиладиган иккинчи конференцияси Совет Иттифоқида ва чет элларда кенг эътиборни жалб этди. Депутатлар министрға бундай савол бердилар: «Хозирги вақтда конференцияни қабириш масаласи қай тариқа турибди ва конференцияда қатнашуви давлатларининг Совет Иттифоқини бу конференцияга тақлиф этиш масаласидаги позициялари қандай?».

Раислик қилувчи Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари депутат М. А. Стельмах, бу савдолар шу сессияда жавоб қайтариш учун СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиного топширилди, деди.

Шу билан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси тамом бўлди. (ТАСС).

